

Эшқобил Шукурнинг 60 йиллик юбилейи нишонланди.



Қумкўрғон тумани Тўмарис тантаналар саройида маънавият фидоийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва ёзувчи Эшқобил Шукур таваллудининг 60 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

Тадбирда туман ҳокими Анвар Нормаматов, "Дўстлик" ордени соҳиби, таниқли шоир Шодмонқул Салом, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тойир, таниқли шоир, Ўзбекистон адабиёт ва санъат журнали бош муҳаррири Салим Ашур, филология фанлари доктори, профессор Абдулла Улуғов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ўринбосари Шерзод Ирзоев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Жўрабек Тўраев ҳамда Эшқобил Шукурнинг сафдошлари, ОАВ ва кенг жамоатчилик вакилари иштирок этди.